

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ШАҲАРЛАРИДАГИ ҲУНАРМАНДЛАР- НИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТЛАРИ

Тўхтабоева Дилафруз Эргашевна,

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат Техника университети
катта ўқитувчиси, тарих фанлари доктори (PhD)

For citation: Dilafruz E. Tukhtabaeva. Innovative activities of artisans in crafts. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 99-104.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-12>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Республикамиздаги аҳоли энг зич, демографик салоҳияти юқори, меҳнат ресурсларига бой, урбанизация жараёнлари юқори бўлган Фарғона водийсидаги ҳунармандчилик шаҳарларидаги ҳунармандларнинг истиқлол йилларида инновацион ғоялар асосида яратган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва ҳунармандчилик уй-музейлари хусусида тўхталган.

Калит сўзлар: истиқлол, демография, шаҳар, меҳнат ресурслари, урбанизация, ҳунармандчилик, маҳсулотлар, инновацион ғоялар, уй-музейлар

ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РЕМЕСЛЕННИКОВ В РЕМЕСЛЕННЫХ ГОРОДАХ

Тухтабаева Дилафруз Эргашевна,

Ташкентский государственный технический университет
имени Ислама Каримова
старший преподаватель, доктор исторических наук

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются домашние музеи ремесел и ремесел в Ферганской долине, где ремесленники в густонаселенных, демографических, трудоемких и урбанизированных районах республики создали инновационные идеи.

Ключевые слова: независимость, демография, города, трудовые ресурсы, урбанизация, ремесла, продукция, инновационные идеи, домашние музеи

INNOVATIVE ACTIVITIES OF ARTISANS IN CRAFTS

Dilafruz E. Tukhtabaeva,

Tashkent State Technical University named after Islam Karimov
Senior Lecturer, Doctor of Historical Sciences

ANNOTATION

This article touches on the crafts and handicraft home-based museums in the Fergana Valley, where craftspeople in the Fergana Valley, which are the most populous, demographic, labor-intensive, and urbanized, are based on innovative ideas.

Key words: independence, demography, cities, labor resources, urbanization, crafts, products, innovative ideas, home museums

Маълумки, Фарғона водийсида аҳоли қадимдан ҳунармандчиликнинг кўплаб тури билан шуғулланиб келган. Жорий йилнинг 14 сентябрь куни республика тарихида биринчи марта ўтказдирилган “Ҳунармандчилик” халқаро фестивалининг Қўқон шаҳрида ўтказдирилганлиги ҳам бежизга эмас албатта. Дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатлари қатнашган ушбу нуфузли фестивали ҳар 2 йилда бир марта ўтказдирилиши белгиланган бўлиб, у бутун республикадаги ҳунармандлар фаолиятини жаҳонга танитишга ва ривожлантиришга катта қадам бўлди.

Маълумки, Иттифоқ даврида эса уларни йўқ қилишга уринишлар юз бериши оқибатида, ҳунармандлар эркин фаолият кўрсата олмади. Мустақиллик туфайли уста – ҳунармандларга эътибор қаратилиб, уни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада дастлабки қадам республика “Ҳунарманд” уюшмасини ташкил этилиши ва жойларда уларнинг бўлимларини очилиши бўлди. Жойларда усталарни аъзоликка қабул қилиш ишлари бошланиб, натижада ҳунармандлар ўзлари ҳоҳлаган ҳунар тури билан эркин шуғулланишига,

аждодлари фаолиятини давом эттиришига имконият яратилди. Эътиборли томони аъзоликка қабул қилинган ҳунармандларга турли имтиёзлар берилди. Бу эса миллий ҳунармандчиликни кенг ривожланишига ва улар фаолият олиб бораётган шаҳарларни тараққиётига катта ҳисса қўшди. Тарихда ҳунармандчилик марказлари бўлган Шаҳрихон, Чуст, Риштон шаҳарларида миллий ҳунармандчиликнинг пичоқчилик, кулолчилик йўналишлари янада ривожланиб борди.

2009 йили Шаҳрихон шаҳрида ҳунармандлар уюшмаси ташкил этилди ва унга дастлаб 1100 нафар аъзо қабул қилинди. Эркаклар пичоқчилик, косибчилик, миллий мебел, аёллар эса дўппи, тўн тикиш билан шуғулланиб келди. Аёллар томонидан тикилган дўппилар кўпроқ Хоразм, Самарқанд, Бухоро шунингдек, қўшни республикалар Афғонистон, Тожикистон харидорлари томонидан олиб кетилади. Бугунги кунда шаҳарда пичоқчиларнинг бир неча сулолалари фаолият олиб бормоқда. Улардан бири республика ва хориждаги нуфузли танловларнинг голиби, Алихўжаев Раҳматхўжа (тахаллуси Эшон ака) [1] пичоқчиларнинг еттинчи авлоди ва Алихўжаев Носиржон саккизинчи авлод вакиллари дир. Улар устоз шогирд анъаналарини давом эттирган ҳолда ёшларга пичоқчиликнинг сирларини қунт билан ўргатиб келмоқда. Хусусан, Алихўжаев Раҳматхўжа 2001 йили мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан Тошкентда ўтказилган “Шу азиз ватан барчамизники!” шиори остида ўтказилган фестивалда Ўзбекистон Бадиий академиясининг дипломи билан тақдирланган. 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус – 2002” танловининг вилоят босқичини 1-ўрин соҳиби, республика босқичида лауреат. 2003 йили Парижда дунёдаги 166 та давлатлар ҳунармандлари ўртасида ўтказилган WQS INTERNATIONAL STARA WARD “Сифат белгиси” танловида 1 - ўрин соҳиби бўлиб, “Олтин кубок” олишга муяссар бўлган. 2004 йили Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида ўтказилган Фарғона водийси ҳунармандлари ҳамда 2006 йилда Иссиққўл вилоятида бўлиб ўтган “Оймомо – 2006” Халқаро фестивалида 1 - даражали диплом соҳиби. Бугунги кунда уста ўғиллари ва 24 нафар шогирдларига пичоқчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ҳунармандларга берилган эътибор уларни эркин фаолият олиб боришига, янгиликлар яратишга имконият берди. Бунинг самараси натижасида 2013 йили Алихўжаев Носиржон ўзининг узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, тўрт хил пўлатни бир-бирига бирлаштириш орқали Исфaxon пўлатини қайта тиклашга эришди. Ҳозирда сулола давомчилари ўз атрофига элликка яқин ёшларни бирлаштириб, уларни дои-

мий иш билан таъминлаган.

2010 йили Чуст шаҳрида хунармандлар уюшмаси ташкил этилди. Қадимдан пичоқчилик, дўппидўзлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги каби хунармандчиликнинг 10 дан ортиқ тури билан машғул бўлган шаҳарда оилавий хунармандчилик ривожланиб борди. Улардан бири Ўзбекистонда биринчи бўлиб пичоқ маҳсулотини хорижга экспорт қилган Убайдуллаевлар сулоласидир. Асосан пичоқчилик билан машғул бўлган хунармандлар маҳсулотлари авлоддан –авлодга устоз шогирд йўналишида келмоқда. Ҳозирги кунда хунарнинг ушбу турини сулоланинг олтинчи ва еттинчи авлод вакиллари давом эттираётган бўлиб, улар республикада биринчи, Чуста ягона ўз белгилари (УР) номидан маҳсулотини экспорт қилмоқда. Асосан қўл меҳнатига асосланган пичоқчилар томонидан бир йилда 12 мингтагача пичоқ тайёрланади. Уларнинг маҳсулотлари чет давлатларда ўтказилаётган нуфузли кўрик –танловларда бир неча бор эътироф этилган. Хусусан, 2010 йил 15-18 апрелда Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Арсенал” кўргазмасида пичоқчиларнинг еттинчи авлоди уста Раимжон Убайдуллаев биринчи ўринни олиши, Чуст пичоқчиларини дунё бозорида маҳсулотларини ўз номидан экспорт қилишига кенг йўл очиб берди. 2012 йили пичоқчи уста Раҳимжон Убайдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб –қувватлаш Жамоат фонди томонидан ғолиб деб топилди ва унга “Қадимий Чуст пичоқчилик санъатини ёш авлодга ўргатиш” номли лойиҳани бажариш учун Давлат гранти ажратилди. Ушбу грант натижасида уста 25 та ёшни шогирдликка олиб, уларга пичоқчилик сирларини ўргатмоқда. Бу эса шунча ёшни янги иш ўрин билан таъминланишига асос бўлди [2].

2010 йили Риштонда хунармандлар уюшмаси ташкил этилди. Шаҳарда хунармандлар Шаҳрихон ва Чуст хунармандларидан фарқли равишда асосан икки йўналишда сопол ва чиннисозлик бўйича фаолият олиб боради. Мустақиллик йилларида хунармандлар кулолчиликка янги ғояларни олиб кирди. Хусусан, “Тоҳиржон Ҳайдаров сопол буюмларига игна билан нақш ва суратлар чизиш усулини олиб кирди. Ҳозирда 30 нафарга яқин шогирдларига ўз хунарининг сир –асрорларини ўргатиб келмоқда. Унинг меҳнати муносиб қадрланиб, 2010 йили мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида “Дўстлик” ордени билан тақдирланди” [3]. Шунингдек, кулоллар сулоласининг тўртинчи авлоди Шоҳрух Бозорбоев лой идишларга ўймакорликни олиб кириб, шу пайтгача кандакорлар шуғулланган усулни сопол идиш-

ларда тадбиқ этди. Уларнинг маҳсулотлари Россия, Франция давлатларига шартнома асосида экспорт қилинмоқда. Хунармандларнинг меҳнати қадрланиб, Шохруҳ Бозорбоев “Ташаббус – 2017” кўрик – танловининг ғолиби бўлди[4]. Бугунги кунда шаҳарда кулолларнинг бешинчи ва олтинчи авлодлари Аҳмедовлар сулоласи ҳам фаолият кўрсатмоқда. 2014 йилда мазкур сулола томонидан 12 кишидан иборат оилавий корхонага асос солинди. Айни пайтда хунармандларнинг маҳсулотлари Украинанинг Киев, Одесса шаҳарларидаги хунармандчилик дўконларида сотилмоқда [5].

Ўтган йиллар мобайнида шаҳарлар архитектурасига хунармандчилик ривожланган шаҳарларда қурилган объектлар, хунармандларнинг уй-музейлари ҳам кўшилиб борди. Бу борада Риштон туманида олиб борилган ишлар диққатга сазавордир. 2010 йили мазкур туман ҳокимлиги томонидан хунармандларга қулай шароит яратиш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Риштон шаҳрининг Навбахор МФЙ ҳудудидан “Бадиий кулолчилик буюмлари” ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш, устахоналар қурилиши учун 33 гектар ер ажратилиб, 350 та оилага 6 сотихдан ер бўлиб берилди. Бу эса республикада ягона бўлган “Риштон хунармандлари маркази саноат шаҳарчаси”га асос бўлди”[6]. Риштон усталари томонидан хунармандчилик уй-музейларининг барпо этилиши, шаҳардаги хунармандчилик туризмининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Хусусан, 2011 йилда мазкур шаҳардаги яна бир кулол Саиджон Аҳмедов хунармандчилики янада ривожлантириш, тайёрланган маҳсулотларни келажак авлодга етказдириш мақсадида 20 сотихлик ерга уй-музейи ташкил этди. Бу ерга ташриф буюрганлар нафақат кулолчилик буюмларини томоша қилади, балки ўзлари уни тайёрлаб кўриш имкониятига ҳам эга бўлади. Музей қошида кулолнинг устахонаси, лойни тайёрлайдиган катта ҳовуз, кўрғазмалар саҳнаси, кичик меҳмонхона, хорижий ўқув маркази жой олган. 2013 йилда мазкур уй-музейи ЮНЕСКОнинг халқаро туризм сайёҳлик картасига кўшилди. Айни пайда уй-музейи бир йилда 1200 та маҳаллий, 4000 та сайёҳни қабул қилиш қувватига эга [7]. Шунингдек, Риштонлик кулол Тоҳиржон Ҳайдаров томонидан Кўқон – Фарғона катта автомобил йўли бўйида барпо этилган музей – ижодхона ўзининг такрорланмас сопол буюмлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Яна бир хунармандчилик тараққий этган шаҳарлардан бири Чустда пичоқчи хунарманд Убайдуллаевлар сулоласи томонидан Чуст – Наманган магистрал йўли бўйида ярим гектарга 2 қаватли “Чуст миллий хунармандчилик маркази” ни ташкил этишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу эса мазкур шаҳарларда хунармандчилик

туризмни янада тараққий этишига имконият яратади.

Умуман олганда, водий ҳунармандлар ўлкаси. Ўзининг қўли гул ҳунармандлари билан тарихда ўз ўрнига эга бўлган Шаҳрихон, Чуст, Риштон каби кичик ва ўрта шаҳарларда фаолият олиб бораётган уста ҳунармандлар бугун миллий ҳунар турларини ривожлантириб, уларга инновацион ёндашган ҳолда миллийлик билан замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда олиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Knife masters from Shahrihan were recorded in a conversation between Rahmatkhodja Alihodjaev and the dissertation.

2. Conversation with the master of craftsman Rakhimjon Ubaydullaev in Chust. May 20, 2017.

3. Hodzhimatov M, Kamolov R. The pottery of the potter's hand / Rishtan truth. – Rishton, April 1-15, 2015. –7 (9129).

4. Interview with Shakhrukh Bazarbaev, craftsman in Rishtan. May 5, 2017.

5. Conversation between Saidjon and Akhmedov, a potter in Rishtan. February 7, 2017.

6. Information of Rishtan district khokimiyat of Fergana region. February 6, 2012.

7. Interview: Interview with Rahimjon Ubaydullaev, knife maker in Chust. 2017.